

Ибодатнинг хусусияти



06:00 / 30.03.2023 2101

Ибодатнинг хусусияти шуки, у Аллоҳ таоло билан инсон ўртасида риштадир. Ибодат орқали банд У билан алоқани боғлайди. Ибодат натижасида инсон бора-бора Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилади.

Дунёвий ишларнинг хусусияти

Дунёвий ишларнинг хусусияти шуки, гарчи инсон тўғри доирада турса ҳам, унга берилиб кетиш секин-секин инсонни маъсият тарафига олиб кетади ва руҳониятдан узоқ қилиб қўяди. Мана, ўн бир ойни дунёвий ишлар билан ўтказиб юбордик, мол-давлат топиш, янада кўпроқ жамлаш фикри бутун ўй-хаёлимизга ғолиб бўлди. Натижада, моддият ғолиб келди ва Аллоҳ таоло ила боғловчи ришта заифлашди, қурбат йўқолди.